

● Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида ҳудудий органлар раҳбарлари иштирокида 2011 йилнинг биринчи чораги якунларига бағишланган кенгайтирилган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Юртбошимизнинг жорий йил 21 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ҳамда қўмита ва унинг ҳудудий органлари зиммасига юклатилган вазифалар муҳокама этилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон театр санъатининг жамият ҳаётида тугган ўрни ва ривожлантириш истиқболлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходимлари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар, театр жамоалари бадий раҳбарлари, соҳа ходимлари иштирок этди.

● «Ўзфармсанот» давлат акциядорлик концерни тизимида Швейцария инвестицияси асосида импорт ўрнини босувчи дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик мажмуа қурилиши бошланди. Бўстонлик туманида ушбу «Ival Phatmapak» хорижий корхонаси пойдеворини қўйиш маросими бўлиб ўтди.

● «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган аънавий «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўриктанловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

● Жиззах вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубий маркази томонидан 300 дан зиёд ҳудудий фольклор куй-қўшиқларни ўз ичига олган фонотека ташкил қилинди. Номоддий бойликларни асраб-авайлаш, уларни рўйхатга олиш, архивлаштириш мақсадида ташкил этилган ушбу фонотекада аудио-видео тасмалар, ноталаштирилган асарлар сақланмоқда.

● Хонқа туманилик тадбиркор Хушнуд Бегметов трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фаолиятини йўлга қўйди. Бунинг учун 100 миллион сўмликдан зиёд банк кредити ва ўз маблағи ҳисобига замонавий дастгоҳлар харид қилиб, корхонага ўрнатди. Натижада 41 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

ЖАҲОНДА

● Нигерияда бўлиб ўтган президент сайловларидан сўнг юз берган тартибсизликлар натижасида камидан 33 киши ҳалок бўлди.

● Жанубий Африка Республикаси расман BRIC, яъни Бразилия, Россия, Хиндистон ва Хитой мамлакатлари гуруҳига қабул қилинди. Эндиликда мазкур гуруҳ BRICS деб номланади. Таъкидлаш жоизки, BRICS мамлакатлари ҳиссасига дунёнинг 26 фоиз ҳудуди, сайёрамизнинг 42 фоиз аҳолиси ва жаҳон ялпи маҳсулотининг 14,6 фоизи тўғри келади.

● Греция ҳукумати давлат активларини кенг миқёсда хусусийлаштириш режаси тўғрисида эълон қилди. Унга қўра хусусийлаштириш 2013 йилга қадар давлат бюджетига 15 миллиард евро (22 миллиард АҚШ доллари) миқдорда фойда келтириши лозим. Албатта, бу маблағлар бюджет тақчиллигини қисқартириш ҳамда давлатнинг катта қарзини қоплашга йўналтирилади.

● Кеча Нью-Йорк хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида WPI русумли нефтнинг нархи 1,03 фоизга ошиб, бир баррели 108,15 долларни ташкил этди.

● Сўнги маълумотларга қўра, Японияда кучли zilзада ва цунами қурбонларининг сони 14 мингтадан ошиб кетди.

● Латвия банки квадрат шаклидаги тангаларни муомалага киритди. Бундай тангалар латвиялик шоир Александр Чакнинг туғилганга юз йил тўлиши муносабати билан зарб этилган. Ушбу танга пул мамлакат ҳудудида амал қиладиган қонуний тўлов воситаси ҳисобланади ва унинг нархи 33,20 лат (67 АҚШ доллари) этиб белгиланган.

● 2012 йилда Лондонда ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинлари жадвали ва чипталар нархи эълон қилинди. Чипталар нархи 20 дан 2000 фунт-стерлинггача белгиланган. Очилиш маросими учун чиқарилган чипталар энг қимматлиси ҳисобланади. Умумий ҳисобда бутун Олимпиада учун 9 миллионга чипта сотилиши режалаштирилмоқда.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 77 (11.888) Баҳоси эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЪТАО УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинътаонинг таклифига биноан 19 апрель куни давлат ташрифи билан Пекинга келди.

Пекин, 19 апрель.
Ўза махсус мухбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Пекин марказидаги Халқ вакиллари мажлислар саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислам Каримов ва Ху Цзинътао ўртасида учрашув бўлди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Хитойни бой тарих ва маданиятга, ул-

кан салоҳиятга эга бўлган давлат, ишончли ҳамкор ва қўшни деб билиши, ушбу музокара ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон раҳбари Хитойнинг яқин дўсти экани, икки томонлама ҳамкорлик ривожига қўшган улкан ҳиссаси юксак қадрланиши таъкидланди. Ушбу учрашув томонларни қизиқтирган долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият экани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва сарможий, маданий-гуманитар алоқалар, минтақавий хавфсизлик ва

барқарорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Музокара якунида Ислам Каримов ва Ху Цзинътао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида сарможаларни ўзаро рағбатлантириш ва химоялаш, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик, конларни ўзлаштиришга оид ва қатор бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

(Ўза)

19 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНING ЙИГИЛИШИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма йиғилишидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида белгилаб берилган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги устувор вазифалардан келиб чиқувчи Парламент комиссиясининг 2011 йил ва келгуси йиллардаги фаолияти Дастури кўриб чиқилди.

Тадбир қатнашчилари қайд этганларидек, Парламент комиссиясининг фаолияти, авваламбор, давлат бюджетидан «учинчи сектор»ни ривожлантиришга йўналтирилаётган молиявий маблағларни шаффоф, очиқ ва манзилли, энг муҳими, демократик тарзда тақсимлашга қаратилганлиги ННТлар фаолиятининг ташкилий-техник ва иқтисодий базасини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари аҳамиятини янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш вазифасини ҳал этиш имконини бериш билан бирга, мамлакатни демократлаштириш бўйича олдинга қўйилган мақсадларни амалга ошириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этишнинг ҳал этувчи омилига айланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳамда Концепцияда белгилаб берилган фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шериклик асосида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисининг турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш борасидаги устувор вазифаларни эътиборга олган ҳолда, Парламент комиссияси томонидан 2011 йилда фуқаролик институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини танлов асосида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилинди:

— энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, шунингдек, ёшларнинг иш билан бандлигини ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ННТларнинг кенг иштирокини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Алюмин-пластик профиллар бугунги кунда замонавий маҳсулотлар сирасига кириб, улардан бунёдкорлик ишларида кенг қўлланилмоқда. Муҳими эса бино ва иншоотлар кўркини очиб, мустаҳкамлигини таъминлаётган бундай импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг ўзимизда тайёрланаётганидир.

Ислохотлар оқимида ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

моамиз ахлини ҳам янги изланишларга, ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилишга ундади, — дейди корхона бош директори Абдусалом Обидов. — Яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, маҳсулот турларини кўпайтириш, экспорт ҳажминини ошириш кўзда тутиямиз. Ҳамкорларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда хар бир буюртмани сифатли бажаришга эришмоқдамиз. Таллар даражасидаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотларимиз билан хар бир хонадонга шинамлиқ ва илиқлик

бахш этишни мақсад қилганмиз. Корхонада малакали мутахассислар жамлангани, маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилганиги, доимий равишда техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилаётганлиги ривожланишда, харидор эътиборини қозонишда муҳим омили бўлмоқда. Кун сайин янги рақобатбардош маҳсулот турлари яратилмоқда ва улар халқ ҳўжаллигининг қўллаб-қувватлашда мубаффақият билан қўлланилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА
Козим Улмасов
олган сурат



Бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Alutex» қўшма корхонаси мамлакатимизда алюмин профиллари ва фурнитуралар ишлаб чиқаришга ихтисослашган илк жамоалар сирасига кирди. Ўз фаолиятини алюмин профил ва фурнитураларнинг улгуржи савдоси билан бошлаган тадбиркорлар 2003 йилдан бошлаб уларни замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ва буюртмачиларга етказиб беришни йўлга қўйишди.

Корхонани технологик жиҳозлашга қаратилган эътибор, янги лойиҳаларни амалга ошириш туфайли ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ортиб бормоқда. Мазкур маҳсулотлар мамлакатимиздаги жуда қўллаб корхона, ташкилотларга етказиб берилиши баробарида, уларга чет элдан ҳам харидорлар борлиги сифатга қаратилган катта эътибор далолатидир.

— Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номланиши жа-

Бугун «Кўргазмасавдо» мажмуасида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси очилди. Ярмаркада пойтахтимизда фаолият юритаётган кичик ва йирик саноат корхоналари имкониятлари намойиш этилмоқда.

Ушбу кўргазмали тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Иқтисодий ёш бошқармаси ахборотига қўра, пойтахт саноат корхоналари иқтисодийнинг етакчи тармоқларининг аънавалари ва янгиликларини бир жойга жамлаган ҳолда тўртинчи марта ярмаркада ўз салоҳиятини кўрсатмоқда.

Албатта, ярмарка — бу фақат ютуқлар намойиши эмас, балки тажриба алмашиш майдони, шунингдек

ШАҲРИМИЗ САНОАТИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

ўзаро кооперация шартномаларини тузишга ҳам қулай имкониятдир. Айтиб ўтиш жоизки, кооперация натижаси ўлароқ ишлаб чиқариш корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини шу тарзда,

кенг қўламда бирлаштирган ҳолда, ўз молиявий-иқтисодий фаолиятини барқарор ва изчил юритишга эришмоқда. Уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга ҳам чиқариши учун янги уфқлар очилмоқда. Ярмаркада 130 га яқин ишлаб чиқариш корхонаси иштирок этаёт-

«Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мавзусида дав-ра суҳбати ташкил этилади.

✓ ЭРТАГА Тошкент Ислам университетидеда Шайхонтохур тумани хотин-қизлар қўмитаси ва

✓ ЭРТАГА Ҳамза туманидаги Авиасозлик касб-ҳунар коллежида туман Қизил Ярим Ой жамияти томонидан «Саломатликнинг ёш дўстла-

✓ УЧТЕПА туманидаги Олимпия захиралари коллежида «Оламни асранг, дўстлар!» шиори остида экология масалаларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Бозорларимиз таровати... Халқимизда бозорлар қанчалик обод бўлса, юрт шунчалик гуллаб-яшнади, деган ҳикмат бор. Бугунги кунда бозорларимиз давр талабига монанд кўркемлашиб бораётганининг гувоҳимиз. Шундай, фақат бу ердаги аънаналар бардавом — саҳий заминимиз мўл-кўллиги, деҳқонларимизнинг баракали меҳнати ҳар дамда кўзни қувнатади, дилни яшнатиб, гурур бахш этади.

Айтиб ўтиш жоизки, Истиклолнинг илк йилларида Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида бозорларимиз ободлиги, санитар ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу ерга одамлар кўп келиши инobatга олиниб, миллийлигимиз, ўзига хос аънаналаримизни ўз ўрнида сақлаган ҳолда, икки томон учун — ҳам сотувчи, ҳам харидорларга барча қулайликлар яратиш зарур эди. Бунга қисқа муддат ичида эришилди ва бугунги кунда ушбу йўналишдаги ҳаракатлар давом этаётди.

Кун сайин чирой очиб бораётган бозорларимиз қисфани фикримизга яққол далилди. Масалан, кейинги уч йил ичида шаҳримиз бозорларининг моддий негизини янада яхшилаш мақсадида маҳаллий бюджетдан ҳамда акциядорлик жамияти мақомидаги бозорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 5,3 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, шу жумладан ўтган йилнинг ўзида бу борада 1,9 миллиард сўм сарфланди.

Дарҳақиқат, режалар ишларнинг натижаси ўлароқ ҳозирда ҳамма бозорларимиз обод бўлиб, санитар ҳолати яхшиланди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ушбу йўналишда Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти, «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда кўплаб тадбирларга бош-қош бўлмоқда.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида 80 та йирик ва кичик бозорлар фаолият юритмоқда. Уларнинг тасарруфида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун — 20,3 мингта, гўшт-сут маҳсулотлари учун — 2,3 мингта савдо жойлари мавжуд бўлиб, ҳаммаси бугунги замон талабига тўлиқ жавоб беради.

Мавжуд бозорларнинг ободонлаштирилиши каторида кейинги йилларда ноозик маҳсулотлар савдосига ихтисослаштирилган замонавий мажмуалар барпо этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Эътиборлиси, ихтисослашган бозорлар ҳам ўз хусусиятларига эга бўлиб бормоқда. Хусусан, бу ерда савдо-сотик жараёни тургун шароитда, яъни дўконларда амалга оширилади. Бир хил кўринишдаги илҳам дўконлар энгил ишланмалардан, замонавий қурилиш меъерлари ва қондалари асосида барпо этилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Деҳқон бозорлари ва савдо мажмуалари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этади. Бозорлар фаолиятини янада такомиллаштириш, инфратузилмасини замон талаблари даражасига кўтаришга қаратилган мазкур ўзига хос дастурий ҳужжатга асосан айни пайтда мажмуавий чора-тадбирлар давом этмоқда. Жумладан, бозорларни тартибга келтириш, яъни ҳар бирининг ўз ихтисослашуви бўйича фаолият юритишига алоҳида эътибор берилмоқда. Деҳқон бозорларида ўз мақомига яраша фақат қишлоқ хўжалиги, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ташкил этилмоқда. Қурилиш, кийим-кечак, турли буюм бозорларининг ҳам алоҳида-алоҳида, ўз ихтисослашуви бўйича замонавий мажмуалар кўринишида фаолият йўлга қўйилмоқда. Албатта, замонавий тусга қираётган бундай савдо иншоотлари қурилишида махсус автотураргоҳлар ҳам лойиҳада кўзда тутилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда автомобиль санюатининг ташкил топиши транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масаласига мажмуавий ёндашувни талаб этади. Йўллар ҳолатини яхшилаш, уларни кенгайтириш, янгилаш, автоуловлар учун турар жойлар ташкил этишга киришилди.

«Узавтосаноат» акциядорлик компанияси маълумотига кўра, фақат ўтган йилнинг ўзида ички бозорда 143 мингта «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автомобил сўтилган. Тошкент шаҳрида ҳар йили ўрта ҳисобда энгил автомобиллар сони 20 фоизга кўпайиб бормоқда. Албатта, талаб ортиб бораётган экан, бу ўз навбатида, доимий равишда инфратузилмасини такомиллаштириб бориш, унинг тармоқларини кенгайтириш, шу жумладан бозорлар миқёсида ҳам тегишли чора-тадбирларни ташкил этиш заруратини туғдириди. Кези келганда, эслатиб ўтиш жоизки, бугунги кунда бозорга одамлар асосан автоуловларда келишга ҳаракат қилади.

Шундай экан, кейинги пайтларда бозорлар атроф-худолари ноқулайликлар, хавфли вазиятларни туғдирилган

ҳолда, автомобиллар билан тўлиб бораётганини ҳеч ким инкор қилмайди, албатта. Йўллардан ўтиш жойларида ҳам машиналар қаторлашиб тўлиниб қолиши йўловчи ва ҳайдовчиларга қанчалик катта хавф туғдиришини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай манзарани айниқса Навоий, Паркент, бошқа кўчалар бўйлаб, яъни шу манзилларда жойлашган савдо мажмуалари олдида кунда кўриш мумкин эди.

Аҳолининг, шу ерларда савдо фаолияти билан шугулланаётган тадбиркорларнинг бозорлар ва савдо мажмуаларининг атроф-худоларида йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан муҳофаза ва тақлифларидан келиб чиқиб, ҳозирда айрим ихтисослашган савдо мажмуаларини янги жойларга кўчириш бўйича чора-тадбир-

савдо шароитларини ҳам шунга монанд ташкил этиш лозим. Рақобатда бу муҳим мезон ҳисобланади...

«Электроника дунёси» савдо мажмуаси тўлиқ равишда улуг сана арафасида очирилиш кутилмоқда. Қурилиш ишлари давом этаётган бир пайтда бу ерда хориқликларни ҳам ўчратганимиз эътиборга лойиқ. Пойтахтимиз меҳмонлари тадбиркорларнинг янги манзил бўйича жойлашаётганини, дўконларнинг ранг-баранг пештахталарини синчковлик билан кузатибгина қолмай, балки ўзларига зарур бўлган харидларни ҳам амалга оширмоқда.

— Украинликман. Тошкентга тез-тез келиб тураман ва ҳар сафар ҳайратларим чексиз, — деди Анатолий Ждан. — Мамлакатингиз гўзал, худди эрталардагидек. Одамлар самимий,

зиёд машина сизимига эга автотураргоҳлар қурилади, йўллар асфальтланади, худудлар кўкalamзорлаштирилади, ирригация тармоқлари тўлиқ таъмирдан чиқарилади. «Юнусобод деҳқон бозори» акциядорлик жамияти тасарруфидаги фойдаланилмай бўш ётган майдон атрофи ва вақтинча мавсумий маҳсулотлар савдоси уюштирилаётган жойлар ҳам ободонлаштирилмоқда. Ҳозирда 650 квадрат метр майдонда манзарали ўсимликлар ўтказилиб, 360 метр узунликдаги ирригация тармоқлари қайта тикланмоқда. Бундан ташқари, автомашиналар учун 12,9 минг квадрат метр ҳажмида тураргоҳ ташкил этилиши кўзда тутилган.

Таъмирлаш-ободонлаштириш тадбирлари бошқа деҳқон бозорлари ва савдо мажмуаларида ҳам олиб борилади. Бундан ташқари, пойтахтимизда 14 та полиз маҳсулотлари савдосига ихтисослашган алоҳида бозорларни қуриш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда.

Бозорларимиз таровати... Деҳқон бозорлари таркибиде ташкил топган янги тузилмалар фаолият фаоллашиб бормоқда. Илгари маълум қилинганидек, жорий йилнинг март ойидан бошлаб 12 та деҳқон бозори худудда «Элга хизмат» савдо шохобчалари очилган эди. «Тошбозортайёрловсавдо» мутахассисларининг маълумот беришича, бундан кўзланган мақсад — сотувчи ва харидорлар учун қулай шароитлар яратиш, шаҳримиз аҳолисининг сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эътиббонини тўлиқ қондириш, энг муҳими — нархларнинг асосий равишда ошишига йўл қўймайлиқ ҳисобига соғлом рақобатни шакллантиришдир. Бу ерда фаолият юритаётган сотувчилар махсус иши кийимлари ва ташриф ҳужжатлари билан таъминлангани савдо маданиятини оширишга қаратилган эътибордан далолат беради. Яна бир муҳим жиҳати — «Элга хизмат» тизимидаги савдо шохобчаларида назорат-касса аппаратлари йўлга қўйилган ва маҳсулотни харид қилишда пластик карточкалардан бемалол фойдаланиш имконияти мавжуд.

— Яқин-яқин кунларга чайқовчиликнинг олдини олиш ҳақида кўп гапирилар эди. Ниҳоят бу масала амалда ўз ечимини топмоқда, — дейди Мактуба Нигматова. — Ёшим анча катта бўлсада, вақти-вақти билан «Юнусобод деҳқон бозори»га келиб тураман. Бозорларимиз бугунги кунда замонавийлашиб бормоқда. Ободончилик, тозаллик масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳаммамизнинг хавсизлигимизни уйлаб, машиналар учун тартибли равишда алоҳида жойлар ажратилмоқда. Бундан бозорларимиз янада файзу тароватли бўлаётганини, пештахталардаги барака, тўкин-сочинлик кўзни қувонтиради. Деҳқонларимиз чарчамасин, ҳосилига унум берсин. Хурсанд бўлганим, эндиликда улар бевосита «Элга хизмат» корхоналари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Маҳсулот арзон ва сифатли бўлса, харидор ҳар доим топилади.

«Элга хизмат» тизимидаги савдо шохобчалари орқали ҳар қуни ўрта ҳисобда 50 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилмоқда. Савдо-сотик деярли 70 фоизи терминалдан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётгани эътиборлидир. Айни пайтда эса аҳоли «Элга хизмат» пештахталаридан арзон нархларда эртаци картошка, сабзи, редиска харид қилмоқда. Шаҳримиз бозорларига бу маҳсулотлар Тошкент, Қашқадарь ва Наманган вилоятларидаги фермер хўжалиқларидан етказиб берилмоқда.

Бозорларимиз таровати... Ҳа, бозорларимиз кўри қўғариб, чирой очиб бормоқда. Аънаналаримиз эса, айтиб ўтилганидек, бардавом. Бозор фақат олдидан келинганда жойгина эмас. Бу ерда одамлар бир-бирлари билан бафуржа сўхбат қурадилар, қувончу ташвишлари билан ўртоқлашдилар, турли мавзуларда фикр алмашишди.

Сотувчи деҳқонларимиз ҳам ўз иши билан машғул. Молини сотишда ёндаш биродалардан ортда қолмаслик учун улар бор маҳоратини ишга солишга ҳаракат қилади.

Харидорларни улар қандай қақаришига бир қулқоқ солиб кўринг-а: «Келиб қолинг, олий қолинг, оғзингизда эриб кетади...» Харидорларни жалб этиш учун бозорларда энг мулойим сўзлардан фойдаланилади. Ҳа, маҳсулотини макташда деҳқон бўладими ёки бошқа сотувчи чиройли сўзларни танлайди: гўзал ташбўхларни кўлайди, ақл бовар қилмас сифатлар билан таърифлайди. Албатта, самимийлик, саховатпешаликни ҳар ёнда кўрамиз. Шундай бўлган, шубҳасиз, баракали харид қиламиз...

Мана бунинг санъат дейилади. Ҳа, бундай санъатни, савдо хунарини фақат аънаналаримиз кенг ифода топган, сархилиги, саховати билан ўзига мафтун этувчи фаровонлик кўзуги бўлмиш бозорларимизда кўриб баҳраманд бўламиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНING ЙИФИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, республика минтақаларидаги экологик ҳолатни соғломлаштириш борасидаги ишларда аҳоли ва ННТлар фаоллигини ошириш;

— ёш тадбиркорларнинг билим ва кўникмаларини оширишга кўмаклашиш, илмий фаолиятга ёшларни фаол жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини амалга оширишлари учун шарт-шароит яратиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш;

— нодавлат ОАВнинг демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган давлат ва жамият қурилишининг устувор вазифаларини ҳал этишдаги фаол иштирокни таъминлаш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш тизими ва масала ҳал қилишнинг ривожлантириш, шунингдек, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини ошириш масалаларида кўмаклашиш;

— қишлоқ жойларида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

— журналистларнинг касб маҳорати ва ижодий фаоллигини ошириш, нодавлат ОАВнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг ошқоралиги ва очиклигини таъминлашдаги фаолиятини рағбатлантириш;

— кенг аҳоли қатламларининг тадбиркорлик фаолияти асосларидан бохабарлигини ошириш;

— ўрта синф мулкдорларини шакллантириш масалаларини ҳал этишда ННТлар фаоллигини ошириш ва уларни мамлакат таракқиёти йўлида фаол ҳаракатлантирувчи кучга айлантириш.

Кўрсатиб ўтилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 2011 йилда Парламент комиссияси томонидан 5 миллиард сўм ажратилиб режалаштирилган. Кейинги уч йил давомида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Жумладан, фақат 2010 йил давомида Парламент комиссияси томонидан танлов асосида фуқаролик институтларининг 500 дан ортқ лойиҳалари кўриб чиқилиб, умумий қиймати 4,5 миллиард сўмлик ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар молиялаштирилди, турли йўналишлар бўйича республика миқёсида 5 та грант танлови ўтказилди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, турли нуфузли халқаро ташкилотлар (ЮНИСЕФ, БМТ ТД, ЕИ, ЕХТ ва бошқалар) ҳамда етакчи олимлар ва экспертлар томонидан Парламент комиссиясининг шаклланиши ва фаолиятининг ташкил этилиши фуқаролик институтларининг мустақил тараққиётини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилашда уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлидаги энг муҳим қадам сифатида баҳрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида юртимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш борасида муҳим вазифалар белгиланган.

Юртимизда мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида изчил ишлар олиб борилаётган. Бу эса аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишига, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада орттишига хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган матбуот анжуманида шулар ҳақида гап борди. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда ички ишлар идоралари маъсул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бир қатор ташкилотларнинг матбуот хизматлари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи А.Эрназаров ва бошқалар ҳуқуқий маданияти юксак жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, уларнинг амалдаги ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалиётга татбиқ этиш самарали бўлишини таъкидлади. Бунинг учун, аввало, фарзандларимизнинг ҳуқуқий онгини болаликдан шакллантириб бориш зарур.

Анжуманда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикрлашилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(Ўза)



Элга хизмат — олий ҳиммат

ФАРОВОНЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ



лар амалга оширилмоқда. Жумладан, Паркент кўчасидаги қурилиш бозори айни пайтда Бектемир тумани худудидеги қурилиш материаллари савдосига ихтисослашган Кўйлик бозорига кўчирилди. Тадбиркорларнинг хоҳишига кўра, «Уриқзор» бозори худудидан ҳам жойлар ажратилди. Кейинчалик аҳолининг қурилиш ашёларига бўлган эътиббондан келиб чиққан ҳолда Тошкент автомобиль халқа йўли бўйлаб худудларда ихтисослаштирилган савдо мажмуаларини янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

— «Электроника дунёси» савдо дўконлари ҳозирда авваллари «Малика» трикотаж фабрикаси жойлашган манзил бўйича ўз фаолиятини бошлаш арафасида, — дейди Дурбек Тўхтапўлатов. — Деярли ўн йилдан буюн маиший электр буюмлари савдоси билан шугулланиб келаман. Телевизор, видеокамера, чанглотчик, компьютер — бундай маҳсулотларга талаб катта, кун сайин эътиббон ошиб бормоқда, дейиш мумкин. Навоий кўчасидаги ярмарка шаҳарнинг қоқ марказида эди ва бу ерда ўзига яраша ноқулайликлар юзага келган. Бир томондан — гавжум жой, иккинчидан — автомашиналар катта кўча ва пиёдалар йўлини ҳам тўсиб қўяр эди. Пойтахт шаҳарнинг марказида бундай вазиятнинг олдини олиш зарурлигини аниқлаш қийин эмас... Янги манзил бўйича биз яши жойлашиб олдик. Ҳаммамизга бир хил тургун шохобчалар ажратилди. Кўпчилик фаолиятини бошлаб юборди. Қурилиш ишлари ҳам ҳеч қандай халал бермаган ҳолда давом этмоқда. Қўшимча савдо нукталари барпо этилаётди. Энг муҳими — бу ерда 500 дан зиёд машина сизимига эга автотураргоҳ ҳам жой белгиланган.

— Бизга аввалги дўконимиз майдонига тенг жойлар ажратилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бундан ташқари, уч ой давомида ижара ҳақидан овоз қилиндик, — дея сўхбатга қўшилди Дилшод Раҳматуллаев. — Яқин орада бу ерда ўздан зиёд замонавий дўконлардан иборат мажмуа қад ростлайди. Асосан ўзимизда ҳамкорликда ишлаб чиқарилган, шунингдек хорижий етакчи компаниялар ваколатхоналари орқали етказиб бериладиган электротехника буюмлари билан савдо қиламиз. Сўнги русумдаги бундай маҳсулотларни харидорга тортиқ қилиш учун

меҳмондўст. Ватандан узоқ бўлганинда, бундай муносабат муҳим аҳамият касб этади. Мен «Колорфлекс» қўшма корхонаси билан ҳамкорлик қиламан. Ҳар сафар Тошкентга келганимда, «Эски Жўва» бозорини албатта айлана ўтаман. Бу ердаги тўкин-сочинликни кўриб, кўзинг қувнайди, ҳаммасидан татиб кўринг келадди. Дароқе, сотувчию деҳқонлар жуда ҳимматли. Уларнинг ўз маҳсулотини шунчалик тортиқ қилиши мени ҳайратлантиради. Қизиқишим бос «Электроника дунёси»да ҳам кўп бўламан. Бугунги кунда мазкур савдо мажмуасининг янги манзилда тадбиркорлар учун яратилаётган шароитларни кўриб ҳам қойил қолдим. Кўплаб мамлакатларда ҳажон молиявий-иқтисодий инқирозни асоратлари ўз таъсирини кўрсатаётган бўлсада, бизнинг юртимизда тадбиркорлик фаолияти истиқболли учун шароитларни яхшилашга кенг имкониятлар топилмоқда. Бу ахир катта сарф-ҳаражатларнинг талаб этади... Ҳа, сизда ўрганадиган, ибрат оладиган ишлар кўп. Ҳозирда байналмилал тус олаётган аънаналарингиз ва урф-одадларингизнинг ноёблигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Меҳнаткаш ва меҳмондўст халқингизга фаровонлик тилаб қоламан. Ҳар жабҳада ўсиш суръатлари шу даражада давом этишига тилақдошман...

Бозорларимиз таровати... Яқин орада Кичик халқа йўли бўйлаб «Фарход деҳқон бозори»га яқин жойлашган савдо ярмаркаси ҳам замонавий тус олади. Бу ерда фаолият юритаётган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар рақобат ботида ўз ҳамкасбларидан четда қолмаслик ҳаракатида астойдил киришишган. Энгил ишланмалар асосида бу ерда ҳам стационар дўконлар барпо этилиб, автоуловлар учун махсус жойлар ажратилди. Худуд атрофи ободонлаштирилиб, кўкalamзорлаштирилди.

«Фарход деҳқон бозори» акциядорлик жамияти худудда ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, яшил майдонлар янада кенгайтирилиши режалаштирилган. «Олой деҳқон бозори» АЖ худудидеги қурилиш ва буюм савдо нукталари ўрнида эса гўшт-сут маҳсулотлари учун 150 дан зиёд ўринга эга савдо шийонлари барпо этилмоқда. Шунингдек, 750 дан

Истиқлол йилларида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик ва меҳмонхона бизнеси ва менежменти йўналиши бўйича халқаро кадрлар тайёрлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни ва бошқа ҳужжатлар соҳа тараққиётида муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги коллежлар, Тошкент давлат иқтисодиёт университети сайёҳлик факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2007 йил январь ойида Сингапур Республикасига давлат ташифи икки мамлакат ўртасида бошқа йўналишлар қатори таълим ва сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар эшигини очди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 5 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институтини ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарорига биноан асос солинган Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтини ҳам сингапурлик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилган лойиҳалардан.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтини Франция, Буюк Британия ва Австралиянинг жабҳадари олинган Bradford, Wales, Southern Cross каби нуфузли университетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу олий таълим масканида тадбиркорлик ва менежмент, бизнес ва маркетинг, банк иши ва молия, бизнес соҳасида замонавий ахборот технологиялари, саноат менежменти ва меҳмонхона бошқаруви йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Институт академик жараёни Сингапур менежментни ривожлантириш институтини (СМРИ) томонидан ташкил қилинган. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтини талабаларига ўқитиш босқичдан сўнг Сингапур менежментни ривожлантириш институтини дипломи, сўнги – тўртинчи босқични тамомлаганида эса ҳамкор университет дипломи топширилади. Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эъти-

роф этиладиган маъмурий диплом сифати ва андозаси бўйича СМРИ томонидан бериладиган илмий даражага тенгдир.

Институтнинг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган ресурс маркази ҳам ўқув, ҳам электрон кутубхона вазифасини бажаради. Айни пайтда бир оз эллик мингдан зиёд китоб захирасига эга кутубхона, мультимедиа студияси, ўқув, компьютер хоналари, аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган заллар ҳам

САЙЁҲЛИК: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

халқаро талабалар ихтиёрида.

Институт ҳудудидаги спорт мажмуаси очик ва ёпиқ залларни, мини-футбол, баскетбол ва волейбол майдончалари, югуриш йўлақлари, сузиш ҳавзаси, қарийб беш юз ўринли спорт залини ўз ичига олган. Буларнинг барчаси ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланишига хизмат қилаётди.

Институт мамлакатимизда инглиз тилидан таълим бераётган ўқитувчилар малакасини ошириш ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу ерда юртимиздаги кўплаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун инглиз тили курслари ташкил этилган. Ушбу таълим муассасасида, шунингдек, соҳага оид турли илмий-амалий анжуманлар, видео-конференциялар, ўқув семинарлари, байрам дастурлари ташкил этиш аҳънага айланган. Институт талабалари турли давлатларда ўтадиган кўргазмаларда фаол иштирок этиб келаётди.

Институтда меҳмонхона иши ва бошқаруви йўналишлари бўйича билим олаётган ёшлар кўпчилигини ташкил эта-

ди. Меҳмонхона бошқаруви факультети талабалари Австралиянинг Southern Cross университети тақдим этган дастур бўйича тахсил олмақда. Айтиш жоизки, яшил қитъада 1956 йили ташкил этилган ушбу университет сайёҳлик соҳасида дунёнинг нуфузли ва замонавий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Унда дунёнинг 80 мамлакатдан 16 мингдан зиёд талаба бизнес, сайёҳлик, экология ва бошқарув, тиббиёт, ҳуқуқшунослик каби йўналишлар бўйича ҳам тахсил олади.

Бошқа жабҳалар қатори сайёҳлик инфратузилмаси учун ҳам кадрлар тайёрланадиган Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтини ўқувчиларга юқори даражада билим ва касб-хунар кўникмаларини ўргатиш учун етарли шароит ва имконият яратилган. Сайёҳлик йўналиши бўйича барча замонавий техника билан жиҳозланган маърузалар хонаси ёшлар ихтиёрида.

Олий ўқув юрти кадрларининг билим олиш жараёнида соҳани чуқур ўрганишига катта эътибор қаратилади. Хусусан, университетда махсус ташкил этилган меҳмонхона маркази бу ерда сайёҳлик соҳасида тахсил олаётган талабаларнинг амалий машғулотлар ўташига хизмат қилмоқда. Марказда талабалар меҳмонларни кутиб олиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, муомала қилиш қоидалари каби машғулотлари амалда бажарилди. Меҳмонхона марказида, шунингдек, ресторан ва кафе-бар ҳам мавжуд. У ерда талабалар столга меҳмонларни тортиш қоидаларини, меҳмонлар билан муомала қилишни, юзага келган муаммоларни бартараф этишни ўрганадилар. Марказнинг беш юлдузли меҳмонхона кўри-нишида ташкил этилган учинчи қисмида эса ётоқхонадан тортиб, ювенил хонасигача бўлган хоналар мавжуд.

Институтнинг меҳмонхона бошқаруви факультетини битирган талабалар келгусида меҳмонхона иши ва кўнгулчор саноат соҳаси менежерлари, курортлар бошқарувчилари бўлиб етишадиган, шахсий меҳмонхона бизнесини ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти жуда юқори, – дейди Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтини катта менежери Умида Наримонова. – Институтимизда яратилган шароит бу ерда таширф буорадиган хорижий меҳмон ва ўқитувчиларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда. Мақсадимиз – малакали, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашдир.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилётган бундай кенг қўламли ишлар юртимиз эртаси бўлиши ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА

Ҳақиқат — ҳаётнинг таянчи.

Ҳақиқатни кесиб ҳам бўлмади, тўсиб ҳам.

Ҳақиқат — зардан ҳам, зўрдан ҳам зўр.

Муҳит дардининг шифокори — ҳақиқатдир.

Ҳақиқат — ёлғоннинг жаллоди.

Изнинг кўмилиши қор эригунча.

Аён учун баён керак бўлмайди.

Ҳақиқатни йиқитувчи — дард, турғузувчи эса — марддир.

Ҳақиқат йўқ ерда ҳақиқат ўғрилари бўлади.

Ҳақиқат чигалланса, уни келажак тараб ечади.

Ёлғоннинг тунидан сўнг ҳақиқат кўёши чиқиши муқаррар.

Эгри терилган гиштнинг девори тезда кулайди.

Тўғрининг сояси ҳам тўғри.

Исбот ва факт — енгиб бўлмас кучдир.

Ижодиёт — ҳақиқатдан теккан ҳақдир.

Одам ҳақ эканини билса, ҳеч нарсадан кўркмайди.

Нурни яшириб ҳам бўлмайди, кўмиб ҳам.

Ҳақиқатдан кўз юмганлар — норасолардир.

Борни йўқ қилиб бўлмайди, йўқни бор.

Ноҳақликнинг келажаги йўқ, уни қачондир гижимлаб ташлайди.

Қийшиқ юкланган юк манзилга етмайди.

Ҳақиқат йўқ ерда имонилар тутун орасида қоладилар.

Ҳақиқатдан баҳраманд бўла олманган одам оёқ учидан юради.

Яширилган ҳақиқатни вақт топади.

Дарзли идиш сув солганда билинади.

Ҳақиқатни билмаслик хато қилишга олиб боради.

Ҳақиқатнинг натижаси — ўзи билан.

(Давоми бор)

Спорт янгиликлари

Жорий йилнинг 30 март куни Осиё футбол конфедерациясининг қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур шаҳрида 2014 йилда Бразилия яшил майдонларида ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш турнирига қўрға ташлаш маросими уюштирилган.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Тўплар нисбати ҳам ҳамюртларимиз фойдасига 8:2.

Лекин шунга қарамай Вадим Абрамов қирғизистонликлар билан учрашувга жиддий ҳозирлик кўриляётганини, чунки ён кўшиллар билан кечадиган ҳар қандай баҳслар кескин курашлар остида қийин ўтишини таъкидлади. Унинг фикрича, рақибга куч синашишга катта хато. Айнан ана шундай хатолик туфайли мағлубият аламини тотиб кўриш ачинарли бўлади, албатта. Шунинг учун се- лекционер мураббийлар мамлакатимиз ҳамда хорижда тўп сураётган энг иқтидорли футболчиларни ҳар қандай вақтда терма жамоамизга таклиф этишлари мумкин.

Биз эса терма жамоамиз аъзоларига жаҳон чемпионатига саралаш турнирида фақат аjoyиб ганбалар ёр бўлишини талаб қоламиз.

Акбар Йўлдошев

ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАР БАҲСИ

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида каратэ бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида мамлакат чемпионати бошланди.



Шарқ яққакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш республика маркази ҳамда Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси томонидан ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзига жалб қилиш ва улар ўртасида каратэни янада оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мусобақада 1500 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашмоқда.

Мусобақанинг очилишида мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳна-молигида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар самарасида юртимизда спорт билан мунтазам шугулланиш учун кенг имкониятлар яратилётгани таъкидланди.

Мусобақанинг биринчи кунда катталар ўртасидаги ката баҳсларида пойтахтлик Б.Фозилзонов, Э.Жонбоев, наманганлик Ш.Қозо-

моа ҳисобида қатнашиб, 2-ўринни банд этишди. Бу йўналишда ёшларимиз учта кумуш медаль ва кубок билан тақдирланди, шунингдек Киев миллий савдо иқтисодиёт университетига кириш учун имтиёзли сертификатларга ҳам эга бўлди.

Албатта, бундай кўрик-танловлар ёш мутахассисларга соҳа сирларини янада кўпроқ ўзлаштиришда, ўз устидани ишлашга ва келгусида соҳаларининг етук усталари бўлиб етишишларида катта маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Мутахассисларимиз фақат таом тайёрлаш билан чекланиб қолмай, балки украин халқининг маданияти, тарихи ва таомларини ҳам ўрганишди. Киев миллий савдо-иқтисодиёт университети раҳбарияти таклифи-га биноан Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси раиси Акбар Умаров юртимиз тарихи, маданияти, бугунги кундаги ривожланиши ва келажак истиқболлари ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси усталари ёш ошпазлар жамоасига аъло даражада мураббийлик қилиб, ўз касбига сикдикдан ёндошгани учун махсус кубок билан тақдирланди.

Дилшод ИСРОИЛОВ



Танловлар

ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

Турли нуфузли халқаро мусобақа, танлов ва кўргазмаларда юртимиз вакиллари юксак ўринларни қўлга киритаётганлиги қувонарли ҳолдир. Жумладан, куни кеча Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси жамоаси Украинанинг Киев шаҳрида ўтказилган халқаро ёш ошпазлар кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, бош мукофотларга эга бўлган ҳолда қайтди.

Таъкидлаш жоизки, кўрик-танловда кўплаб давлатларнинг 200 дан ортиқ ёш ошпазлари ўз маҳоратларини кўрсатиб, галаба учун кураш олиб бордилар. Энг муҳими, мусобақа давомида Киев миллий савдо-иқтисодиёт университети ҳамда Россия, Молдова, Беларуссия, Озарбойжон мамлакатларининг халқаро тоифадаги мутахассислари юртдошларимизнинг юксак маҳоратларини алоҳида эътироф этдилар.

Ҳақамлар ҳисоб-китобларидан сўнг мамлакатимиз вакиллари Мохира Жўраева ресторани ширинликлари номинацияси бўйича олтин, оригинал таомлар бўйича кумуш медаль, Мирзаали Акбаров кўй гўшти таомлари бўйича кумуш медаль, хамир таомлари йўналишида диплом, Алишер Жалдибоев карвинг санъати бўйича олтин медаль билан тақдирланди. Ислоҳ Муҳаммадзонов эса оригинал таомлар бўйича диплом, кўй гўшти таомлари номинациясида бронза медали соҳиби бўлди.

Бундан ташқари, ёш ошпазларимизга миллий мавзу номинацияси бўйича тўртта олтин медаль топширилди. Мусобақанинг асосий Гран-при номинациясида умумжа-



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
3987 нуска босилди.
Қўғи бегим А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5